

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11628213>

Ernazarov Dilmurod Zuxriddinovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

“Ijtimoiy fanlar” kafedrasida dotsenti

Siyosiy fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

E-mail: dilm79@inbox.ru Mobil: +998901866106

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга давлат сиёсати ҳақида фикр юритилади. Бугунги кунда ННТлар роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масаласи 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

***Калит сўзлар.** давлат, фуқаролик жамияти институтлари, трансформация, Нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва ижтимоий институтлар.*

МЕХАНИЗМЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО УКРЕПЛЕНИЯ УЧАСТИЯ ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ПРОЦЕССАХ МОДЕРНИЗАЦИИ

Эрназаров Дилмурод Зухриддинович

Ташкентский государственный экономический университет

Доцент кафедры «Общественные науки»

доктор философии по политическим наукам (PhD)

E-Mail: dilm79@inbox.ru Моб.: +998901866106

АННОТАЦИЯ.

В данной статье рассматривается государственная политика по усилению роли и значения институтов гражданского общества в нашей стране. Сегодня НПО служат повышению роли и значения, социальной активности и эффективности своей деятельности. Вопрос обеспечения

открытости деятельности институтов гражданского общества определен в качестве одного из основных направлений концепции развития гражданского общества на 2021-2025 годы.

Ключевые слова. государство, институты гражданского общества, трансформация, ННО, политические партии и социальные институты.

MECHANISMS FOR FURTHER STRENGTHENING THE PARTICIPATION OF CIVIL SOCIETY INSTITUTIONS IN MODERNIZATION PROCESSES

Ernazarov Dilmurod

Tashkent State Economic University

Associate Professor of the "Social Sciences" Department

Doctor of Political Science (PhD)

E-Mail: dilm79@inbox.ru Mobile: +998901866106

ABSTRACT

This article examines government policy to strengthen the role and importance of civil society institutions in our country. Today, NGOs serve to increase the role and importance, social activity and effectiveness of their activities. The issue of ensuring openness of the activities of civil society institutions is identified as one of the main directions of the concept of development of civil society for 2021-2025.

Keywords. state, civil society institutions, transformation, NGOs, political parties and social institutions.

КИРИШ

ННТлар томонидан амалга оширилган ишлар, ижтимоий шериклик даражаси, ажратилган субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар натижадорлиги ва бошқа муҳим фаолият кўрсаткичлари асосида уларнинг рейтингини тузиш мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиш тенденциялари, ўсиш суръатлари, амалга ошираётган ишларининг самарадорлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич сифатида кўриш мумкин.

С.ф.д. Б.Омонов ўзининг “Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари” деб номланувчи монографиясида, қўйидагича таърифни беради. “Модернизациялаш эски ижтимоий ҳодисаларни бузиш; ижтимоий-маданий ўзгаришларни яшаш; анъанавий жамиятдан индустрлаштирилган жамиятга ўтиш; ижтимоий-иқтисодий тузумни трансформациялаш; ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий парадигмасини алмаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзгартириш демак”. [1] Демак, ижтимоий-иқтисодий тузумни

трансформациялаш, ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий парадигмасини алмаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзгаришларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳмияти каттадир.

ННТлар фаолияти ривожланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириши ва уларга таъсир таъсирк кўрсатиши, қарорлар қабул қилишдаги самарали иштироқи янада ортишига олиб келади. Бизнингча, фуқаролик жамияти — бу шундай ижтимоий тузумки, унда қонунлар устуворлиги таъминланади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар ва ижтимоий институтлар, фикрлар плюрализми кафолатланади, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа манфаатларининг таъминланишини кафолатлайди. [2]

МУҲОКАМА.

ОАВлар фаолияти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқ ҳокимиятига асосланган жамиятнинг ўзига хос жиҳатлари, мазмун-моҳияти, ривожланиш қонуниятлари, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсий асосларини оммага етказишда ОАВнинг ўрни бекиёс.

Агар мамлакатимизда ОАВлар фаолиятининг қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, 2000 йилда республикаимизда 700 га яқин ОАВ фаолият юритган. Шундан умумий ОАВ таркибида нодавлат секторининг ҳиссаси 14,2% дан 58,2% га ошган. Айниқса, нисбатан фаол ўсиш ҳудудий ОАВ ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, уларнинг сони 2000 йилдан 2012 йилгача икки баробар, яъни 480 тадан 977 тага ошган. Медиа-маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари кенг жорий қилинмоқда. Интернетдан фойдаланувчилар сонининг шиддат билан ошиб бораётганлиги ҳамда уларнинг сони бугунги кунда 10 миллион нафарга етганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

2011 йил 1 декабрь ҳолатига 160 тадан ортиқ ОАВ сифатида фаолият кўрсатувчи нодавлат Интернет-сайтлар рўйхатдан ўтказилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 1243 та ОАВ фаолият кўрсатмоқда. Улардан 704 таси газеталар, 254 журналлар, 17 таси ахборот бюллетенлари, 4 таси ахборот агентликлари, 63 та телевидение, 36 та радио, 165 та веб-сайтлар ҳиссасига тўғри келади. Фаолият кўрсатаётган босма нашрларнинг 43 фоизи, телеканалларнинг 53 фоизи, радиоканалларнинг 85 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади.

2020 йилга келиб уларнинг сони 2 мингдан ошди ва уларнинг аксарияти хусусийдир. Бу ўз-ўзидан улар ўртасида рақобат муҳитининг пайдо бўлишига, энг муҳими, жамоатчилик назоратининг кучайишига сабаб бўлди.

ОАВлари фаолиятининг сиёсий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- жамиятда фуқароларнинг фикрлари ва ҳаракатларини консолидация қилади;

- давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг қаоролари ва фолиятини танқидий таҳлил қилиш ва лозим бўлса “протест” киритишига сабаб бўлади;

- амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, сифатлилиги, аҳолининг барча қатламларининг қоунуний манфаатларига мослигини текширади;

- давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланиши, коррупциядан ҳоли эканлигини текшириш;

- давлат бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказиб туриш ва ҳоказолар. [3]

Демак, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги ва шаффофликни таъминлашда ОАВлари етакчи кучи вазифасини бажариши лозим. Фикримизча, ОАВлари фуқароларга давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот етказиши орқали жамоатчилик фикрини шакллантиради. Айни пайтда давлат ҳокимияти ва жамият ўртасида ахборот ва фикр алмашиш имконияти юзага келади. Бу эса кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат бошқарувини демократлаштириш, мазкур жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Бу мулоқот муҳитининг ривожланиши ОАВ фаолиятининг кучайиши, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиши ҳамда жамият ҳаётини модернизация қилиш билан уйғун равишда амалга ошади.

Сиёсий партиялар

Мамлакатда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотлар жараёни албатта аввало унинг ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни талаб қилади. Бу эса сиёсий партияларнинг фракциялари ва умуман парламентдан ўз фаолиятини ушбу янги талаблар даражасида қайта кўриб чиқишини кун тартибига қўди. Таҳлиллар ўтган даврда шу йўналишларда бир қатор ишлар амалга оширилганлигини кўрсатди. Парламент қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида зарур тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти ишлаб чиқилди. Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши лозим

бўлган қонун ҳужжатларини кўриб чиқиш бўйича «Йўл харитаси» қабул қилинди.

Қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартиби йўлга қўйилди. Натижада қонунларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлашга эришилди. Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингандан кейин палатанинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолиятида кескин ўзгариш юз берганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқотчи Б.Якубовнинг фикрича, “2019 йилда Қонунчилик палатаси томонидан мамлакатимизни ҳар томонлама модернизация қилишга қаратилган 177 та қонун лойиҳаси мавжуд бўлган бўлиб, бу кўрсаткич чақирикнинг дастлабки йилларидагига нисбатан деярли 3 бараварга кўп. Яна бир кўрсаткич - қонун лойиҳаларининг нафақат ҳажми, балки сифати ҳам ошди. Хусусан, 2015 йилда қуйи палатада қабул қилинган қонунларнинг фақат 11 таси алоҳида ва янги таҳрирдаги қонунлар бўлса, чақирик якунида бу кўрсаткич 35 тани ташкил этиб, 3 мартадан зиёд ошди. Депутатлар корпуси қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлиги ошди. 2019 йилда депутатлар томонидан Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун 19 та қонун лойиҳаси киритилган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан деярли 3 бараварга ортганлигини кўриш мумкин”. [4]

Шу билан бирга ўтган давр мобайнида сиёсий партиялар фракциялари томонидан қонун ташаббусларини киритиш олдинги йилларга нисбатан ошган бўлсада, уларнинг сони палата муҳокамасига киритилаётган умумий қонунлар нисбатида жуда камлигича қолмоқда.

Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини модернизация қилишдаги иштироки “Маъмурий ислоҳотлар концепцияси”да кўрсатилган устувор йўналишларни амалга оширишда фаол иштироки кўрилади. Албатта, бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш ва модернизация қилиш масалалари сиёсий партияларнинг муҳим вазифаларидан бир ҳисобланади. Ҳар бир сиёсий партия мамлакат келажагини таъминловчи либерал, социал, модернистик қарашларини ифодалар экан, сиёсий партиялар ўз дастурий ҳужжатларида бошқарув органлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида илғор ғоялар ва қарашларини илгари суришади. Хусусан, парламент ва вакиллик органлари ролини оширишга сиёсий партиялар дастурларида алоҳида ўрин қаратилганлигини кўриш мумкин.

ЎзЛиДеП – ўз сиёсий қарашларида Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантириш, мамлакатда ҳокимиятлар тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни таъминлаш самарали тизимини шакллантириш, хусусий секторнинг мавқеини янада кучайтиришни илгари суради. **ЎзЛиДеП**

сайловларда ғалаба қозонган партия нафақат Бош вазир нозодини, балки парламент қуйи палатаси Спикери номзоди, ҳукумат таркибини таклиф этиш лозимлиги, сайловларда пропорционал тизимга ўтиш ғоясини илгари суради.

Ўзбекистон МТДП - парламентни “Халқ уйи”га айлантириш ғоясини илгари суради. Ҳар бир масалада халқнинг иштирокини янада кучайтириш, сиёсий қарорлар қабул қилишда халқнинг фикр ва мулоҳазалари инобатга олиниши. Партия Ўзбекистонни бой маънавий-маърифий меросга эга, иқтисодий ривожланган, барқарор фуқаролик жамиятига таянган, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатланган кучли мамлакатга айлантириш ғоясини илгари суради.

Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, узоқ муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, давлат органлари фаолиятига инновацияларни жорий этиш, давлат бошқарувига кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш борасида борасида сиёсат олиб боради.

Ҳокимият бўғинларининг фаолияти “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил асосида жамият билан доимий ва тизимли мулоқотни, давлатнинг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга асосланади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси: “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” шиорига таянган “Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш” ғояси билан янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларда фаол иштирок этишни;

“Маънавий интеллектуал тараққиётга эришиш учун мамлакатни модернизация қилиш, инсон капиталини ривожлантиришга шароит яратишни, жамиятда ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданиятни ошириш орқали қонун устуворлигини таъминлашни; давлат ва жамият ўртасида ишончли мулоқот, мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги ҳисобдорлиги ва фуқароларнинг давлат бошқарувидаги ҳуқуқларидан самарали фойдаланишини таъминлашни ўзининг асосий мақсад ва вазифалари сифатида белгилайди”. [5]

МТДП парламентнинг ҳукумат фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ваколатларини кенгайтириш, сайловларни мажоритар ва пропорционал сайлов тизимини уйғунлаштирган ҳолда ўтказиш ғояларини илгари суради.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси. ХДП аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш масаласида ижро ҳокимияти томонидан қарор қабул қилишда парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари билан мажбурий маслаҳатлар

ўтказиш механизмини жорий этиш ғоясини ёқлайди. Ўзбекистон тараққиёти стратегиясининг бош мақсади – аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига кўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш мақсади ушбу манфаатларга тўлиқ мос келади.

Мазкур жараёнда ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама, жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда барча соҳаларни либераллаштиришга қаратилган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатда парламент ва сайлов тизимини такомиллаштириш борасида ХДП аҳолининг муҳтож қатламлар ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш мажбурийлигини қонунчиликда мустаҳкамлашга интилади. Халқ демократик партияси Ўзбекистонда ижтимоий адолат ва тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия мезонларига мос келадиган ижтимоий демократик давлат барпо этишни ўзининг олий мақсади деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП си ўз дастурларида “Ижтимоий тенглик – тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир” деган тамойилга таянган ҳолда жамиятдаги ижтимоий тенгликни таъминлайдиган, ҳар бир фуқаронинг қобилияти ҳамда малакасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши кафолатланадиган, у ўз меҳнатининг миқдори ва сифатига яраша муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш учун курашишини эълон қилган. Партиянинг мақсади – ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш. Партия инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама кўпайиши ва тараққий этиши, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, юртимиз ва халқимиз манфаатларига садоқатли янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб билади.

“Партия кучли, эркин ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш, “халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилмоғи керак” деган ғоя асосида халқ ҳокимияти тамойилини изчил амалга ошириш, парламентаризмни ривожлантириш, парламент демократиясининг замонавий институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида вакиллик

органларининг ролини кучайтириш – мамлакатни демократик янгилашнинг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди”. [6]

Ўзбекистон Экологик партияси - Ўзбекистоннинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш Стратегияси, “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Концепцияси” ва бошқа истикболли давлат дастурларини изчил амалиётга жорий этилишини қўллаб-қувватлайди. Ушбу мақсадларда илм-фанни жадал ривожлантириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа соҳаларда экологик модернизациялашни амалга ошириш, энг замонавий экологик тоза технологияларнинг жорий этилишини таъминлаш талаб этилади.

Хулоса. Юқорида кўриб ўтилганидек, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар аҳолининг сиёсий социаллашуви ва фаоллашуви, уларнинг ислоҳотлар туфайли ижтимоий ҳаётига кириб келаётган инновациялар, модернизацияларга мослашувида муҳим ўрин тутди. Сиёсий партияларнинг модернизация жараёнларининг фаол иштирокчисига айланиши учун фақатгина жамиятда объектив шарт-шароитлар бўлишининг ўзи етарли эмас, бунинг учун сиёсий партияларнинг ўзида, уларнинг ичида замонавий талабларга мос ўзгаришлар амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида модернизация сиёсатидан кутилган натижаларга эришиши, бу йўлда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги амалга оширилаётган ўзгаришларнинг аҳоли турли қатламлари томонидан кенг қўллаб-қувватланишига боғлиқ. Ўз навбатида аҳолининг ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш даражаси улар амалга оширилаётган ўзгаришларда ўзларини ўйлантираётган муаммоларнинг қанчалик ақс этганлигига бевосита боғлиқлигини ҳам унутмаслик керак.

REFERENCES

1. Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Т.: “Aloqachi”, 2019. Б– 175 б.
2. Зухриддинович, Е. Д. (2023). Некоторые аспекты политической модернизации Узбекистана. Журнал исследований в области социальных наук, 22.
3. Зухриддинович, Е. Д. (2022). Участие институтов гражданского общества в антикоррупционной политике Узбекистана. Глобальный журнал гуманитарно-социальных наук, 22(F2), 51-56.
4. Якубов Б.С. Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнларида сиёсий партияларнинг ўрни. 23.00.02 – Сиёсий институтлар,

жараёнлар ва технологиялар. Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси. Автореферати. Тошкент – 2021. - Б 22-23.

5. O‘zbekiston “Milliy tiklanish” demokratik partiyasining 2020-2024-yillarga mo‘ljallangan saylovoldi dasturi.

<https://mt.uz/storage/oldisaylovs/September2021/7yPoc8uoKsyKt8mcv9P1.pdf>

6. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастури.

<https://adolat.uz/saylovoldi-dastur>

7. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O‘zbekiston: inson qadri ulug‘langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.

8. Saifnazarov, I. (2022). So‘z erkinligi-Yangi O‘zbekiston tayanchi [Freedom of speech is the pillar of New Uzbekistan, in Uzbek]. Scienceweb academic papers collection.

9. Saifnazarov, I., Kuchkarov, V., Sultonov, T. (2023). Islohotlar tadrijiyligini ta‘minlashda mahalla instituti faoliyatini takomillashtirish. O‘zMU xabarlari, 1(4), 145-148.